
ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ: ФУРҚАТ ТУМАНИНИНГ 2022
ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА



XALQ DEPUTATLARI FURQAT TUMAN KENGASHINING QARORI

2021 йил «30» декабрь

VI-40-73-11-164-K/21

Фурқат туман ҳокимлиги

Фурқат туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли кўрсатма хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлари 46 816,3 млн. сўм ва харажатлари 137 765,9 млн.сўмга маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 90 949,6 млн.сўм миқдориди тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман маҳаллий бюджетидан 2022 йилда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2022-01-07 16:01:28